Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2022 ЙИЛ — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2022 йил 19 июль, № 152 (8214) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШ УЧУН ҚЎШИМЧА ИМКОНИЯТЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 18 июль куни озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни ва аҳоли даромадларини кўпайтириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Маълумки, дунёда озиқ-овқат танқислиги кучайиб бормоқда. Экспортга қўйилаётган чекловлар ва транспорт-логистикадаги узилишлар муаммоларни янада чуқурлаштирмоқда. Таҳлилларга кўра, жорий йилда дунёда озиқ-овқат маҳсулотлари нархи камида 20 фоизга ўсиши прогноз қилинмоқда.

Мамлакатимизда аҳоли даромадининг 40 — 50 фоизи озиқ-овқатга сарфланади. Шу боис бундай маҳсулотларни кўпайтириб, нарх-навонинг аҳоли рўзғорига таъсирини юмшатиш чоралари кўрилмоқда.

Хусусан, йил бошида 80 минг гектар пахта ва ғалла майдонлари қисқартирилиб, аҳоли учун ажратилди. Одамларга уруғ, кўчат ва ўғитдан ёрдамлашиш бўйича "Томорқа хизмати" йўлга қўйилди. Томорқаларда маҳсулот етиштириш учун жорий йилнинг ўзида 400 миллиард сўм имтиёзли кредитлар берилди.

Бундай имкониятлар натижасида маҳсулот кўпайиб, нархлар тартибга тушмоқда. Сўнгги бир ойда ички бозорда помидор нархи ўртача 3 бараварга, бодринг 10 фоизга, картошка 30 фоизга, сабзи 15 фоизга арзонлади. Бундан ташқари, 6 ойда 821 минг тонна ёки ўтган йилдагига нисбатан 102 минг тонна кўп мева-сабзавот экспорт қилинди.

Яна бир муҳим томони, ушбу ажратилган ерларда 785 минг аҳолининг бандлиги таъминланди.

Йиғилишда туман ва маҳаллалардаги ижобий тажрибалар билан бирга камчиликлар ҳам очиқча муҳокама қилинди.

Жумладан, 80 минг гектар ердан 16 минг гектари аҳолидан узоқ ва суғориш қийин жойда бўлгани сабабли эгасини топмагани айтилди. Шу боис ҳокимларга бундай ерларни аҳоли учун қулай майдонларга алмаштириш топширилди.

Давлатимиз раҳбари аҳоли таклифлари асосида янги имкониятларни белгилаб берди. Йил якунигача яна 20 минг гектар, келгуси йилда 100 минг гектар экин майдони аҳоли учун ажратилиши таъкидланди. Шунда жами 200 минг гектар бўлади.

— Бу жуда катта имконият. Бу орқали қўшимча 1 миллион 200 минг аҳолини банд қилиш учун шароит яратилмоқда. Энг асосийси, агар туман ҳокими, ҳоким ёрдамчиси бу масалага ҳисоб-китоб билан ёндашса, озиқ-овқат ва ишсизлар масаласини бемалол ҳал қилса бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Маҳсулот етиштириш ва сотишда аҳолига кўмаклашиш учун маҳаллаларга ҳосилдор уруғ ва кўчат етказиш, кичик ҳажмли музлаткичлар ўрнатиш, иссиқхоналарни кўпайтириш бўйича топшириқлар берилди.

Бугунги кунда 64 та туманда аҳоли ўз томорқасида 3 марта ҳосил олмоқда. Ҳосил яхши бўлса, битта оила 60 — 100 миллион сўмгача даромад қилиши мумкин.

Давлатимиз раҳбари бундай ишларни бошқа туманларда ҳам рағбатлантириш кераклигини таъкидлади.

Хусусан, сув таъминоти оғир маҳаллаларда катта қудуқ қазиш харажатлари учун ажратиладиган субсидия миқдори 150 миллион сўмгача оширилиши белгиланди. Кичик қудуқлар учун Қорақалпоғистонда 5 метрдан, қолган ҳудудларда 10 метрдан ортиқ чуқурликнинг ҳар бир метрига 100 минг сўмдан субсидия берилади.

Қудуқ қазишга гидрогеологик хулосалар 2025 йилга қадар бепул берилади. Сув тежовчи технологиялар жорий этиш бўйича бериладиган субсидиялар деҳқон хўжаликлари учун ҳам татбиқ этилади.

Хўжаликларга халал бераётган яна бир муаммо шундаки, юртимизда 2 миллион 600 мингта хонадоннинг кадастр ҳужжатлари йўқ. Уларнинг эгалари томорқа учун кредит, субсидия ҳамда уйини кенгайтиришга ипотекадан фойдалана олмаётгани ҳақида Халқ қабулхоналарига кўплаб мурожаатлар тушмоқда.

Қолаверса, кадастри бўлмагани учун ер солиғи 3 карра миқдорда ҳисобланмоқда.

Адлия вазирлигига кадастри йўқ хонадонлар масаласини узил-кесил ҳал қилиш учун алоҳида қонун лойиҳаси ишлаб чиқиш топширилди. Янги қонун қабул қилингунига қадар, бу уйларга уч карра оширилган солиқ қўллаш тўхтатиб турилади.

Йиғилишда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги масалаларга ҳам тўхталиб ўтилди.

Ҳокимликларга июль ойи якунигача 820 минг гектар майдонда такрорий экинларни жойлаштириб, 11 миллион тонна маҳсулот етиштириш, келгуси йилгача етарли захира яратиш вазифаси қўйилди.

Маълумки, бу йилдан ғаллани етиштириш ва харид қилишни молиялаштириш бўйича янги тизим йўлга қўйилди. Фермерларга жозибадор нархлар таклиф этилгани ўз натижасини берди. Июлда биржага 88 минг тонна буғдой чиқарилгани ҳисобига, 1 тонна буғдойнинг ўртача нархи 30 фоизга арзонлашди.

Давлат ресурсига 1 миллион 842 минг тонна дон харид қилинди. Фермер ва кластерлар томонидан дон корхоналарига 574 минг тонна ғалла сақлаш учун қўйилди.

Мутасаддиларга бу ғаллани биржага мунтазам чиқариб бориш ҳамда 1 октябргача фермер ва кластерлар билан тўлиқ ҳисоб-китоб қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Президентимиз давлат идораларининг самарадорлиги ва ижро масъулиятини ошириш ҳақида гапирди.

— Самарқанд вилоятидаги ўрганишлар кўп камчиликларимизни кўрсатди. Олдимизда ҳали энг қийин ва оғир ислоҳотлар турибди. Ҳамма ўзгариши, иш услубини ҳам ўзгартириши керак, — деди давлатимиз раҳбари.

Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва ҳокимликлар ўз тузилмаси ва иш услубларини ўзгартириши зарурлиги таъкидланди. Адлия вазирлигига қонунчиликни ихчамлаштириш, аҳоли ва тадбиркорларга қулайликларни ошириш бўйича кўрсатма берилди.

Ҳисоб палатасига маблағлар сарфи, айниқса, қурилишни молиялаштириш, субсидия ва компенсация ажратиш жараёнларини рақамлаштириш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан Бош вазир ўринбосарлари, ҳокимлар, маҳалла раислари ахборот берди.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ОЛИЙ, ЎРТА МАХСУС ВА ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ТАЪЛИМ ОЛИШЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ДОИР ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Таълим ташкилотларида таҳсил олиш истагидаги хотин-қизлар учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг илмий салоҳияти ва малакасини тизимли ошириб боришни қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартдаги "Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-87-сон Фармонига мувофиқ, **2022/2023 ўқув йилидан бошлаб** республикадаги барча хусусий, хорижий ва давлат олий, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларида кундузги, сиртқи ва кечки таълим шаклида хотин-қизларнинг тўловконтракт асосида таҳсил олиши учун имтиёзли шартларда таълим кредитларини молиялаштириш мақсадида тижорат банкларига **Давлат бюджетидан маблағ ажратишнинг янги тизими** жорий этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Белгилансинки:

тижорат банклари Молия вазирлиги томонидан жойлаштириладиган депозит маблағлари ҳисобидан таълим кредитларини **14 фоиз ставкада** ажратади;

таълим кредитининг асосий қисми талабанинг расмий ўқиш муддати тугагандан сўнг **еттинчи ойдан бошлаб 7 йил давомида** қайтарилади;

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МИНТАҚАЛАРАРО ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИК ЛОЙИҲАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАШАББУСИНИ ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ БИР ОВОЗДАН МАЪҚУЛЛАДИ

Аввал хабар қилинганидек, 11 июль куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш бўйича махсус резолюцияни бир овоздан маъқуллади. Эътиборлиси, резолюция дунёнинг турли қитъаларида жойлашган 40 та мамлакат ҳаммуаллифлигида қабул қилинди.

Резолюциянинг тасдиқланиши Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан Тошкент шаҳрида 2021 йил июль ойида бўлиб ўтган "Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар" мавзуидаги халқаро конференцияда илгари сурилган ташаббуснинг амалий натижаси бўлди.

Халқаро эксперт доиралари вакиллари, ўз навбатида, мазкур муҳим ҳужжатнинг БМТ Бош Ассамблеяси томонидан бир овоздан қабул қилингани икки минтақа ўртасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва ўзаро инвестициялар ҳажмини ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратишини таъкидламоқда.

ДУНЁ НИГОҲИ

Рамиз АЛЕКПЕРОВ, БМТнинг Афғонистондаги кўмак миссияси раҳбари:

— Ўзбекистон ташаббуси билан БМТнинг махсус резолюцияси қабул қилинганини қутлайман. Ушбу тадбир халқаро ҳамжамият томонидан Ўзбекистон ташқи сиёсати нақадар тўғри йўлда эканининг юксак эътироф этилаётганидан далолат беради.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ўз вақтида илгари сураётган сиёсий ҳамда дипломатик ташаббуслар минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш учун мустаҳкам замин яратмоқда.

Ҳужжат иқтисодий ўсишни жадаллаштириш, Марказий ҳамда Жанубий Осиё мамлакатлари ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар самарадорлигини ошириш, шунингдек, уларнинг транспорт, транзит ва сармоявий салоҳиятини рўёбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этади.

Резолюция Афғонистоннинг иқтисодий ривожланиши ҳамда минтақаларо иқтисодий жараёнларга интеграциялашувига, шунингдек, ушбу мамлакатда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга ижобий таъсир кўрсатади.

Муҳаммад Содиқ ХОН, Покистон давлат ташқи ишлар вазири, Афғонистон бўйича махсус вакил:

— Ўзбекистон раҳбариятини БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш бўйича махсус резолюция қабул қилингани билан самимий қутлайман.

Покистон, дунёнинг 40 давлати қатори, ушбу резолюцияга ҳаммуаллифлик қилди. Жаҳон ҳамжамияти "Аср лойиҳаси" стратегиясини ҳамда Президент Шавкат Мирзиёевнинг минтақаларо ўзаро боғлиқлик лойиҳаларини амалга ошириш бўйича муҳим ташаббусини бир овоздан қўллаб-қувватлади.

Ўзбекистон, Покистон ва Афғонистон биргаликда Термиз ва Пешовар ўртасидаги темир йўл лойиҳасини амалга оширишни бошлади. Покистон ҳукумати ўзбекистонлик ҳамкасблари билан биргаликда бу масалада фаол иш олиб боради, айниқса, қурилиш ҳамда муҳандислик ишларини тезроқ бошлаш учун молиявий ресурсларни жалб қилади.

Покистон раҳбарияти ўзаро боғлиқлик лойиҳалари ва темир йўл қурилишини минтақаларимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини тубдан ўзгартирадиган тарихий воқеа, деб билади.

2

ШҲТ янги руҳ билан бойиб бормоқда

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) таъсис этилганига 21 йил тўлди. Ўтган даврда ШҲТ жаҳон сиёсатининг муҳим субъектига айланди, нуфузли халқаро тузилмалар қаторидан муносиб ўрин эгаллади. Минтақавий шериклик "Шанхай руҳи" тамойиллари асосида мустаҳкамланиб бормоқда.

Янги хавф-хатар ва таҳдидларга қарши туриш бўйича қўшма салоҳият мустаҳкамланмоқда, иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорлик кенгаймоқда.

Биз ва жаҳон

Бугун барчамиз дунёда ва минтақада кескинлик ортиб бораётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Буларнинг барчаси ташкилот аъзоларидан янада жипс бўлиш ва тузилма доирасида бир-бирини қўллаб-қувватлашни талаб этмоқда. Шу мақсадда ШҲТнинг очиқлигини, учинчи давлатлар ва бошқа ташкилотларга қарши қаратилмаганлигини сақлаб қолиш, умумий хатар ҳамда таҳдидларга қарши ўз вақтида ва биргаликда чора кўриш, минтақавий иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, минтақада дўстлик, яхши қўшничилик ва ишончни мустаҳкамлаш, ШҲТ маконида маданий-гуманитар шерикликни кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг асосий вазифаси Евроосиё юрагида барқарор ривожланишида хавфсизликни таъминлашга янада катта ҳисса қўшишга қодир бўлган ноёб ҳамфикрлар доирасини шакллантиришдан иборат. Шу маънода, ШҲТга қизиқиш ортиб бормоқда. Бугун ташкилот 8 нафар доимий аъзоси, 4 та кузатувчи ва яна 9 та мулоқот бўйича шерик мақомига эга мамлакатни ўз ичига олган. Қолаверса, 10 га яқин хориж давлатлари ШҲТ билан у ёки бу мақомда иштирок этиш ниятини расман билдиришган.

Кўп жиҳатдан ташкилотнинг айни даврдаги ривожига Ўзбекистоннинг муваффақиятли раислиги ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ўзбекистон томонидан илгари сурилган ташаббуслар миллий манфаатлар ва мамлакат тараққиётининг устувор йўналишларини ўзида ифодалайди, минтақани барқарор ривожлантиришга қаратилган асосий вазифаларга тўлиқ мос келади. Шу сабабли бу ташаббуслар ташкилотнинг барча аъзолари томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда.

4

Эксклюзив интервью

САМИМИЙ МУЛОҚОТЛАР, ЮКСАК ИШОНЧ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАЙДИ

Шу йилнинг 21 июль куни Иссиққўл (Қирғиз Республикаси)да Марказий Осиё давлат раҳбарларининг тўртинчи Маслаҳат учрашуви бўлиб ўтади. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳам иштирок этади. Шу муносабат билан Қирғиз Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Муса Жаманбаев икки мамлакат муносабатларининг бугунги куни ва истиқболи юзасидан "Халқ сўзи" газетасига интервью берди.

— Ўзбекистон ва Қирғизистон нафақат шунчаки қўшни, балки том маънода, қардошлик муносабатлари билан боғланиб кетган қардош давлатлар ҳисобланади. Мамлакатларимизнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий муносабатларини қандай баҳолаган бўлардингиз? Соҳалардаги ҳамкорликнинг янада ривожланиш имкониятларини нималарда кўрасиз, бу борада қандай тўсиқлар бор?

— Ўзбекистон Қирғизистоннинг жудаям муҳим ташқи сиёсий ва стратегик шериги ҳисобланади. Икки қардош халқни дўстлик ва яхши қўшничиликнинг кўп асрлик ришталари, умумий тарих, маданиятлар, анъаналар, тил ва маънавий қадриятлар боғлаб туради.

2

«Uzbekistan GTL» заводи

Юксалиш

ЮҚОРИ СИФАТЛИ ДИЗЕЛ ЁНИЛҒИСИНИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА ЕТКАЗИБ БЕРИШНИ БОШЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев ғояси ва ташаббуси билан бунёд этилган, янги Ўзбекистоннинг учинчи Ренессанси пойдеворларидан бири дейиш мумкин бўлган "Uzbekistan GTL" заводида синтетик ёнилғи маҳсулотлари ишлаб чиқариш бошланди.

3

Сенат қўмитасида

60 ДАН ОРТИҚ ТАКЛИФЛАР БИЛДИРИЛДИ

Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси томонидан ўтказилган йиғилишда "Ташқи меҳнат миграцияси тўғрисида"ги қонун дастлабки тарзда муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, мазкур ҳужжат ташқи меҳнат миграцияси соҳасидаги ҳуқуқий базани мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, у илғор халқаро тажриба асосида ишлаб чиқилган. Қонунда меҳнат мигрантларининг жўнаб кетиши, ишга жойлашиши, ишлаш муддати, қайтиб келиши ҳамда реинтеграция қилиниши билан боғлиқ барча жараён қамраб олинган. Бу эса меъёрлар тўғридан-тўғри амалга татбиқ этилишида муҳим аҳамиятга эга.

Ўз навбатида, сенаторлар, вазирлик ва идоралар вакиллари, экспертлар томонидан қонунни такомиллаштириш билан боғлиқ 60 дан ортиқ таклифлар билдирилди.

«Халқ сўзи».

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2022 йил 19 июль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ОЛИЙ, ЎРТА МАХСУС ВА ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ТАЪЛИМ ОЛИШЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ДОИР ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

таълим кредити бўйича фоиз ставкаларини сўндириш Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим кредитини молиялаштириш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағлари ҳисобидан, уларни тижорат банкларига тўлаш орқали амалга оширилади;

таълим кредитини расмийлаштиришда ва унинг қайтарилишида талабанинг доимий даромад манбаига эга бўлган оила аъзолари ва бошқа учинчи шахс **биргаликда қарз олувчи сифатида** қатнашишига рухсат этилади;

“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га кирган оилаларнинг хотин-қизларига ажратиладиган таълим кредитлари учун **гаров ва кафилликлар талаб этилмайди**.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Жамғарма маблағлари ҳисобидан тижорат банкларининг сўровларига асосан келгусида **14 фоиз ставкада таълим кредити ажратиш учун уларга 10 фоиз ставкада депозит маблағлари** жойлаштирилади;

Жамғарма томонидан таълим кредитлари учун тижорат банкларига зарур маблағлар ажратилишини таъминлаш ва назорат қилиш мақсадида Жамғармага 1 та Мактабгача таълим вазирлиги штат бирликларини мақбуллаштириш ҳисобидан ва 1 та Молия вазирлигининг умумий штат бирликлари доирасида **жами 2 та штат бирлиги** ажратилади.

3. Вазирлар Маҳкамаси **бир ой муддатда** Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим кредитини молиялаштириш жамғармаси ҳисобидан олий, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларида хотин-қизларнинг тўловконтракт асосида ўқиши учун таълим кредитларини ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

4. Молия вазирлиги Жамғармага **2022 йилда** маблағларнинг Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари маблағлари, бюджетни қўллаб-қувватлаш учун жалб қилинадиган халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг кредитлари, суверен халқаро облигацияларни чиқариш ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан ажратилишини, **2023 йилдан бошлаб** эса Давлат бюджети параметрларида назарда тутилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

6. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Х.Тошкулов ҳамда молия вазири Т.А.Ишметов белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш ва ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш Бош вазир ўринбосари Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 18 июль

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МИНТАҚАЛАРАРО ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИК ЛОЙИҲАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАШАББУСИНИ ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ БИР ОВОЗДАН МАЪҚУЛЛАДИ

1

Риёз БУХОРИЙ, Покистоннинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси (2013 — 2018 йиллар):

— Махсус резолюциянинг муҳим геосиёсий ва геоиқтисодий аҳамияти шундан иборатки, Ўзбекистон ташаббуси билан тайёрланган ҳужжатга дунёнинг 40 мамлакати ҳаммуаллиф бўлди.

БМТ Бош Ассамблеяси резолюциясида Ўзбекистон Президентининг 2022 йилни Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотида ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш йили, деб эълон қилиш бўйича ташаббуси қўллаб-қувватлангани ҳам жуда муҳим.

Шундай қилиб, жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистон раҳбарияти томонидан 2021 йилда илгари сурилган минтақаларо ўзаро боғлиқлик стратегиясини бир овоздан қўллаб-қувватлади ва бу билан ушбу масалада бирдамлигини билдирди.

Ушбу ёндашув бугунги кундаги глобал ҳамда минтақавий ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишнинг энг яхши рецептидир.

Ляньюньгане Ли ЧЖАНЬЧАО, ШҲТнинг Халқаро логистика парки маъмурий қўмитаси директори:

— Минтақаларо алоқаларни мустаҳкамлаш Марказий Осиё давлатларининг транспорт йўналишларини диверсификация қилиш ҳамда минтақанинг халқаро транспорт ва транзит маркази сифатида рақобатбардошлигини ошириш мақсадларига жавоб беради.

Ушбу мақсадлар Марказий Осиёнинг транспорт соҳасидаги ислоҳотларини давом эттиришдан иборат бўлиб, бу минтақанинг глобал таъминот занжирларига чуқур интеграциясини таъминлашга ва Марказий Осиё давлатлари халқаро савдо тизимининг янги моделида ўз муносиб ўрнини топишига кўмаклашади.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш бўйича махсус резолюциянинг қабул қилиниши транспорт ҳамда транзит имкониятларини кенгайтириш, Марказий Осиё давлатларининг денгиз портлари ва жаҳон бозорларига чиқишини таъминлаш бўйича мувофиқлаштиришни кучайтириш ҳамда минтақавий ҳамкорликни чуқурлаштиришга хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг муҳим географик ўрни ва ислоҳотлар самараси мамлакат, умуман, минтақанинг иқтисодий ривожланишига янги туртки берадиган транспорт-логистика марказларини яратиш имконини беради.

Осиёдаги энг йирик портлардан бири сифатида Ўзбекистонда савдо-иқтисодий соҳада, айниқса, транспорт ҳамда логистика йўналишида амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар ва ислоҳотларни диққат билан кузатиб бормоқдамиз. Ўзбекистоннинг Ляньюньганг порти орқали юк ташиш ҳажми тобора ортиб бормоқда. Бу кўрсаткични янада ошириш учун ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорликни мустаҳкамлашдан манфаатдормиз.

«Дунё» АА.

САМИМИЙ МУЛОҚОТЛАР, ЮКСАК ИШОНЧ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАЙДИ

1

Ўзаро манфаатли шериклик муносабатларининг ривожланиши Қирғизистон ва Ўзбекистон ташқи сиёсатларининг устувор ва стратегик йўналишларидан саналади. Томонлар сиёсий ишончни мустаҳкамлашга ва ўзаро қизиқиш юқори бўлган соҳаларда ҳар томонлама ҳамкорликни илгари суришга имкон даражасида саъй-ҳаракатларни сафарбар қилишмоқда.

Ишонч билан айта оламанки, ўтган йил кўп қиррали қирғиз — ўзбек ришталари ривожида туб бурилиш даври бўлди. Давлатларимиз раҳбарлари 20 марта учрашув, телефон мулоқотлари ўтказишди, Марказий Осиё давлат раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви, ШҲТ, ЕОИИ, ОДКБ, ИҲТ, Туркий давлатлар ташкилоти ва бошқа кўп томонлама майдонларда иштирок этди.

Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровнинг 2021 йил 11-12 март кунлари Ўзбекистонга давлат ташрифининг ташкил этилиши, 25-26 март кунлари икки томонлама ҳамкорлик бўйича Қўшма ҳукуматлараро комиссиянинг тўққизинчи йиғилиши, 24 — 26 март кунлари эса қирғиз — ўзбек давлат чегараларининг делимитация ва демаркация масалалари бўйича Қирғизистон ва Ўзбекистон ҳукумат делегацияларининг навбатдаги мажлиси ўтказилиши энг аҳамиятли воқеалардан бўлди.

Президентимизнинг ташрифи чоғида ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини 1 миллиард АҚШ долларига ошириш (истиқболда 2 миллиард долларга етказиш), бу йўлдаги тўсиқларни олиб ташлаш, корхоналар ва бизнес объектлари ўртасида кооперацияни кучайтириш, устав капитали 200 миллион АҚШ долларига тенг ўзбек — қирғиз фондини ташкил этиш, транспорт салоҳияти ва сувдан самарали фойдаланиш, энергетика, чегара масалалари ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилиш юзасидан келишувларга эришилди. Музокаралар якунлари бўйича икки мамлакат Президентлари Қўшма баёнот имзолашди, унда очиқ, дўстона ва конструктив муҳитда ўтган музокараларнинг самарадорлиги қайд этилди. Ташриф доирасида кўп қиррали қирғиз — ўзбек шериклигининг деярли барча йўналишини қамраб олган 23 та ҳужжат имзоланди.

Катта мамнуният билан айтиш мумкинки, охирги вақтларда қирғиз — ўзбек муносабатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган интилишлар сезиларли даражада фаоллашди. 2022 йилнинг биринчи ярим йиллигида олий ва юқори даражаларда икки томонлама сиёсий алоқалар ўта фаоллашди. Давлат ва ҳукумат раҳбарлари даражасида, шунингдек, вазирлик ва идоралар ўртасида қатор икки томонлама музокаралар бўлиб ўтди. Икки мамлакат етакчилари шу давр ичида 5 марта боғландилар, шу жумладан, икки марта телефон мулоқоти ўтказилди, уларда олий даражада эришилган ахдномаларнинг амалга оширилиши ва икки томонлама кун тартибидаги долзарб масалалар муҳокама қилинди, минтақаларо шаклдаги учта тадбирда, хусусан, 25 январь куни Марказий Осиё — Хитой, 27 январь куни Ҳиндистон — Марказий Осиё, 27 май куни Евроосиё иқтисодий иттифоқининг онлайн саммитларида қатнашишди.

Президентларнинг анъанавий очиқлик, ишонч ва дўстона муҳитда ўтган мулоқотларида дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шерикликни яна мустаҳкамлаш, мамлакатларимиз ўртасидаги амалий ҳамкорликни чуқурлаштириш масалалари муҳокама қилинди. Ўзаро манфаатли шерикликнинг устувор лойиҳаларини илгари суришга, жумладан, Ўзбек — қирғиз тараққиёт фонди фаолиятини бошлаш, “Қамбарота ГЭС-1” инфратузилма лойиҳасини амалга ошириш ҳамда Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли қурилишини тезлаштириш, саноат кооперациясини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Маданий-гуманитар соҳалардаги самарали алмашинувлар ва рўёбга чиқарилаётган қўшма дастурлар мамнуният билан қайд этилди. Қабул қилинган қарорларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш мақсадида ҳукуматлар даражасидаги жадал алоқаларни давом эттириш борасида келишувларга эришилди. Жорий йилда икки мамлакат ҳукумат раҳбарлари даражасидаги энг муҳим сиёсий тадбирлардан бири 2022 йилнинг 1 апрель куни Ўш шаҳрида ўтказилган Қирғиз Республикаси Президентининг чегарадош вилоятлардаги ваколатли вакиллари ҳамда Ўзбекистон Республикаси чегарадош вилоятлар ҳокимлари Кенгаши тўртинчи мажлисининг ўтказилиши бўлди.

Ҳозирги пайтда сиёсий муносабатлардаги энг долзарб масала — яқин ойларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қирғиз Республикасига давлат ташрифига муносиб ва сифатли тайёргарлик кўриш ҳисобланади. Ишонамизки, ушбу давлат ташрифи аввал олий даражада эришилган келишувларни мустаҳкамлашга ва стратегик шериклик мақомидаги қирғиз — ўзбек муносабатларини янада ривожлантиришга хизмат қилади. Бундан ташқари, ташриф ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш ва хўжалик субъектлари ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга ҳамда қирғиз ва ўзбек халқларининг миллий-маданий меросини асраб-авайлаш ва бойитишга қаратилган интилишларни бирлаштиришда туртки вазифасини ўтайди.

21 июль куни Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Марказий Осиё давлат раҳбарларининг Маслаҳат учрашувида қатнашиш учун Иссиққўлга ташриф буюриши кутилмоқда. Учрашув доирасида Қирғиз Республикаси, Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон Республикалари ўртасида стратегик ҳужжат — XXI асрда Марказий Осиёни ривожлантириш мақсадида дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзолаш режалаштирилмоқда.

Ўз навбатида, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров жорий йилда Ўзбекистонга уч марта сафар қилади: 16-17 сентябрь кунлари ШҲТ саммитида, ноябрнинг биринчи ўн кунлигида Туркий давлатлар ташкилоти ва ИҲТ саммитларида иштирок этади. Қирғизистон ва Ўзбекистон муносабатларнинг барча кўзга кўринган жиҳатлари бўйича очиқ ва мазмунли мулоқотга тайёр ва ҳамкорликнинг янада мустаҳкамланишидан манфаатдор.

— Ўзбекистон 2022 йилда ШҲТга раислик қилмоқда. Мамлакатимизнинг ташкилотдаги раислигини қандай баҳолайсиз?

— Бугунги кунда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти дунёдаги энг йирик минтақавий ташкилот саналади. ШҲТда раислик қилаётган Ўзбекистон Республикаси жорий йилда жуда кўплаб халқаро тадбирларни ўтказмоқда.

Ўзбекистоннинг кўп томонлама ҳамкорлик институтлари доирасидаги фаоллиги муҳим роль ўйнайди. Шу маънода, Ўзбекистоннинг ШҲТ билан шериклиги алоҳида аҳамият касб этади.

Хабарингиз бор, Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар етакчиларининг навбатдаги саммити шу йилнинг 15-16 сентябрь кунлари Самарқандда ўтказилади. Ўзбекистон устувор вазифалар сифатида иқтисодий ҳамкорликни фаоллаштириш ва хавфсизлик соҳасида ташкилот салоҳиятини мустаҳкамлашни белгилаган. Ўзбекистон ШҲТ кун тартибини рақамли технологиялар ва инновацияларни ривожлантириш бўйича механизмларни яратиш каби янги йўналишлар ҳисобига кенгайтириш ниятида. Соғлиқни сақлаш соҳасида мулоқотни мустаҳкамлаш ҳам долзарб.

Ўзбекистоннинг ШҲТдаги раислигининг асосий хулосалари Самарқанддаги саммитда чиқарилади. Саммит, шубҳасиз, йирик сиёсий-дипломатик форумга айланади, ташкилот фаолиятида муҳим босқич сифатида тарихга киради. Ўзбекистон олиб бораётган фаол, очиқ, прагматик ва конструктив ташқи сиёсат бўлғуси саммит доирасида муҳим қарорлар ва ҳужжатлар қабул қилинишида мустаҳкам пойдевор яратади.

— Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой темир йўли қурилиши борасидаги ишлар қандай кетмоқда? Ушбу лойиҳадан охирги ойбат қандай натижаларни кутиш мумкин?

— Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли қурилиши жуда муҳим лойиҳа бўлиб, у нафақат Қирғизистонга, балки Марказий Осиё минтақасининг барча мамлакатлари учун фойдали ва муҳим. Мазкур лойиҳанинг муваффақиятли амалга оширилиши масаласи Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровнинг алоҳида ва шахсий назоратида.

Лойиҳа ижроси доирасида ҳозирги пайтда тадқиқотларни бошлаш санасини аниқлаш ва лойиҳанинг техник-иқтисодий механизмларини ўрганиш мақсадида учала мамлакат тегишли органлари музокаралар олиб бормоқда. Шундай қилиб, яқин вақтларда Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли қурилиши лойиҳасининг амалиётга кўчиши кутилаётир.

— Ўзбекистоннинг БМТ, ШҲТ ва бошқа майдонлардаги ташаббусларига Қирғизистоннинг позицияси қандайлигини билмоқчи эдик. Умуман, икки давлатнинг қарашлари мос келадими?

— Қирғизистон ва Ўзбекистон раҳбарларининг сиёсий иродаси, биргаликдаги саъй-ҳаракатлари туфайли икки томонлама муносабатлар стратегик шериклик даражасига чиқди, ҳамкорлик динамик, прагматик ва конструктив тус олди. Халқаро ҳамжамиятда замонавий Ўзбекистон сиёсати кимнингдир манфаатларига зиён етказмаган ҳолда мамлакатнинг салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқаришга йўналтирилгани хусусида аниқ тушунча шакланди.

БМТ, МДҲ, ШҲТ, бошқа тузилма ва майдонларда бир-бирларининг ташаббусларини ўзаро қўллаб-қувватлаш самарали тус олди, бу минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш ва барқарор тараққиётни таъминлашда сезиларли ҳисса бўлди. Биргаликдаги интилишлар эвазига ишончнинг мутлақо янги муҳити барпо этилди, ўтмишда ўзаро яқинлашиш йўлида тўсиқ яратган кўплаб масалаларга ечим топилмоқда.

Айни чоғда ўзаро ҳамкорлик муҳити МДҲ, ЮНЕСКО ва бошқа халқаро ташкилотлар йўналиши бўйича ҳам давом этаётганини қўшимча қилмоқчиман. Хусусан, 2020 йилнинг 13 октябрида Бош Ассамблея делегатлари БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 15 та янги аъзосини уч йил (2021 — 2023) муддатга сайлашди. Ўзбекистон илк бор кенгаш аъзосига айланди.

Қисқача айтганда, қирғиз томони Ўзбекистон ташаббусларини изчил қўллаб-қувватлайди.

— Қирғизистон ва Ўзбекистон қўшма лойиҳалари ҳақида ҳам икки оғиз гапириб ўтсангиз. Қўшма корхоналар иши қанчалар самарали, ҳозирги кунда уларнинг сони нечта?

— Юқорида эслаб ўтганимдек, Ўзбек — қирғиз тараққиёт фондининг расман очилиши икки мамлакат учун аҳамиятли лойиҳалардан бири бўлди. Жорий йилнинг 14 апрелида Қирғиз Республикаси Вазирлар Маҳкамаси раиси А. Жапаров ва Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазири С. Умурзоқов иштирокида “Ала-Арча” давлат қароргоҳида фонд фаолиятини бошлашга бағишланган расмий маросим ўтказилди. Фонд Қирғиз Республикасида рўйхатдан ўтган ва ўз фаолиятини олиб бораётган агросаноат мажмуасидаги, тиқувчилик ва тўқимачилик саноатидаги, энергетика комплексидаги хўжалик субъектларига, мамлакатимиз иқтисодиётининг устувор тармоқларидаги ўзини оқлайдиган лойиҳаларни заёмлар тақдим этиш ва бошқа молиявий воситалардан фойдаланган ҳолда молиялаштиради. Айни пайтда ўзаро маҳсулот айирбошлаш ҳажмини ошириш мақсадида Фарғона ва Боткен вилоятларини боғловчи Қизилқия шаҳридаги савдо-логистика марказини қуриш бўйича лойиҳа амалга оширилиши фаол босқичда. Шунингдек, кичик гидроэнергетика ва транспорт таъминоти соҳаларида иккита кредит-инверсион лойиҳалар бўйича концепция тайёрланган. Бундан ташқари, яқин вақтларда Ўш шаҳри муниципалитети эҳтиёжлари учун “SamAUTO” автобусларидан 50 дона сотиб олишни молиялаштириш лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилган.

— Шу ўринда энергетик лойиҳаларга ҳам тўхталсангиз. Соҳадаги қўшма лойиҳалар албатта барчага қизиқарли.

— Қирғизистон улкан сув-энергетика салоҳиятига эга, бизда янги энергетик қувватларни жорий этишнинг кенг истиқболлари мавжуд, бу биринчи навбатда, “Қамбарота ГЭС-1” қурилиши. Мазкур лойиҳа стратегик хусусиятга эга. Шундан келиб чиқиб, айни пайтда ушбу ГЭСни Ўзбекистон билан биргаликда қуриш лойиҳаси бўйича музокаралар олиб борилмоқда.

— Икки мамлакатнинг туристик ҳамкорлигини кучайтириш учун элчихона томонидан қандай ишлар амалга оширилаётир? Умуман, мазкур соҳадаги шериклик истиқболлари ва уни чуқурлаштириш имкониятлари ҳақида нималар дея оласиз?

— Сайёҳлар сонини келажакда ўзаро ошириш ва туристик салоҳиятни илгари суришга кўмаклашиш учун сайёҳлик компаниялари билан мунтазам ишлар олиб боряпмиз, туристик имкониятларни оммалаштиряпмиз. Туристик идоралар билан аралаш турларни ташкиллаштириш борасида ҳамкорлик қилишга интиляпмиз.

Пандемия чекловлари олиб ташланиши ва қуруқликдаги чегаралар очилиши билан Иссиққўл соғломлаштириш масканларига ёзги турлар бошланди. 2022 йилги сайёҳлик мавсуми учун Тошкент — Томчи — Тошкент йўналиши бўйлаб авиақатновларни тиклаш ҳамда Самарқанд — Томчи — Самарқанд, Самарқанд — Ўш — Самарқанд каби биргаликдаги янги йўналишларни очиш борасида фаол ишлар олиб бориляпти.

Бундан ташқари, элчихона томонидан турли туристик роуд-шоулар, республикамиз туристик салоҳиятини намойиш этиш учун промо турлар ўтказилмоқда, барқарор туризмни ривожлантириш, қўшма сайёҳлик ташаббуслари ва лойиҳаларни амалга ошириш йўлида мақсадли тадбирлар мунтазам ўтказилмоқда.

— Икки мамлакат давлат чегараларининг демаркацияси ва делимитацияси борасида қандай ўзгаришлар бор? Ушбу масалада қандайдир баҳсли саволлар ёки ҳолатлар эҳтимоли мавжудми?

— Маълумки, Президент Шавкат Мирзиёев Марказий Осиёни Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналиши, деб белгилади. Ўзбекистон билан яхши қўшничилик ва стратегик шериклик принципларига асосланган конструктив, кўп қиррали ва ўзаро манфаатли мулоқот Қирғиз Республикаси ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Шу нуқтаи назардан, давлат чегараларини юридик расмийлаштириш икки томонлама ҳамкорликнинг муҳим қадамларидан ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда қирғиз — ўзбек давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилиш бўйича ҳукумат делегациялари ўртасида жадал ва конструктив музокаралар бормоқда, жумладан, участкаларнинг қўшма дала тадқиқотларига чиқилмоқда ҳам. Энг асосийси, сиёсий ирода бор, мазкур масалани томонларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳамда халқаро ҳуқуқнинг меъёрларига амал қилган ҳолда оқилона ҳал этиш учун жиддий интилиш бор.

— Маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик муносабатларни мустаҳкамловчи халқ дипломатиясининг муҳим йўналишларидан. Шундай экан, 2022 йилда ҳар икки мамлакатда ҳам ўтказилиши режалаштирилган тадбирлар хусусида нима дея оласиз?

— Асосида кўп асрлик дўстлик ва халқларимизнинг яхши қўшничилик ришталари ётадиган маданий-гуманитар ҳамкорлик мамлакатларимизга хос хусусият. Маданият ва санъат кунларининг муваффақиятли ўтказилиши, буюк адиб Чингиз Айтматовнинг 90 йиллик юбилейи кенг байрам қилиниши, икки мамлакатнинг коронавирус инфекциясига қарши курашдаги самарали ҳамкорлиги бу йўналишда қарор топган муносабатлар даражасининг яққол намойишидир.

Икки мамлакатда ўтказилаётган маданий тадбирларда вакилларимиз фаол ва мунтазам иштирок этиб келади. Хусусан, Қирғизистон вакиллари доимий равишда Халқаро бахшичилик санъати фестивалида, “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа анжуманида, шунингдек, Халқаро ҳунармандчилик фестивалида зўр иштиёқ билан қатнашиб келмоқда.

Яна санъат, кино ва музей иши соҳаларида алоқалар кенгайиб бораётганини таъкидлаш жоиз. Бу йўналишлардаги ҳамкорликка Ўш шаҳридаги “Сулаймон-Тоо” миллий тарихий-археологик музей мажмуаси ва Хивадаги “Ичан-қалъа” давлат музей-қўриқхонасининг ўзаро сайёр кўргазмалари, шунингдек, шу йилнинг март ойида қўшма “Тандем” бадиий кўргазмасининг ташкиллаштирилгани ёрқин мисол бўла олади. Кўргазмада қирғиз ва ўзбек рассомлик санъатининг ёрқин вакиллари — Алмаз Шаршекеев ва Умар Ражабовнинг ишлари тақдим этилди. Қолаверса, шу кунларда Ўзбекистон рассомлари ижодий уюшмаси ва Қирғизистон рассомлари уюшмаси ўртасида Ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзолаш масаласи ўрганилмоқда.

Ўтган йили Ўзбекистонда қирғиз киноси кунлари муваффақиятли ўтказилди, унинг доирасида “Шамбала”, “Кўл”, “Эдемга йўл”, “Ота васияти”, “Дарахт қўшиғи”, “Оёқяланг чопувчи” ва “Қурманжон Дадҳо” каби фильмлар намойиш этилди.

Ёшларимиз ҳам фаол ҳамкорлик қилаётгани эътиборга молик. Масалан, шу йилнинг 19 — 21 май кунлари 23 нафар йигит-қизимиз IT соҳаси вакиллари ҳамда ёшлар ташкилотлари ўртасида минтақаларо мулоқотни кенгайтириш мақсадида ташкил этилган Марказий Осиё ёшлар форумида фаол қатнашди. Мазкур тадбир якунида, Андижон шаҳрида Қирғиз Республикаси маданият, ахборот, спорт ва ёшлар сиёсати вазирининг ўринбосари С. Надирбеков, қирғиз талабалари ва спортчилари иштирокида Ўзбекистон — Қирғизистон ёшлар форуми бўлиб ўтди. Унда икки мамлакат ёшлари ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди, Андижон вилоятидаги “Ёшлар технопарки” ва “Ишга марҳамат” мономарказига экскурсиялар ташкиллаштирилди.

Саволнинг иккинчи қисмига ўтсак, айтишим мумкин, фаол маданий ҳамкорликнинг давоми сифатида шу йилнинг сентябрь ва ноябрь ойларида қирғиз киноси кунлари ва Ўзбекистонда Қирғизистон маданияти кунлари ўтказилиши режалаштирилянпти. Бундан ташқари, жорий йилда Ўзбекистондаги қирғиз миллий маданий марказининг 30 йиллиги юбилей тадбирларига Қирғизистон маданият ва санъат арбобларини таклиф этган ҳолда нишонлаймиз.

— Илмий ва таълим соҳасидаги ҳамкорликка ҳам тўхталсангиз…

— Мамлакатларимиз ўртасидаги илмий ва таълим ҳамкорлигини ривожлантириш учун катта потенциал мавжуд. Ҳозирги вақтда қирғиз ва ўзбек талабалари ҳар икки мамлакатда таҳсил олишади. Айниқса, чегарадош вилоятлар олий таълим муассасалари ўртасида ҳамкорлик ўта самарали ривожланмоқда. Академик дастурлар доирасида талабалар алмашинуви амалга оширилмоқда, Қирғизистоннинг Ўш, Жалолобод вилоятлари, Ўзбекистоннинг Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятлари олий таълим даргоҳлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумлар имзоланган.

Шу йилнинг апрелида Қирғизистон Республикаси фан ва таълим вазири А. Бейшеналиев Тошкент шаҳрига ташрифи доирасида Ўзбекистон инновацион ривожланиш вазири И. Абдурахмонов билан учрашув ўтказди. Учрашув чоғида томонлар фан соҳасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалаларини муҳокама қилишди ва икки мамлакат олимлари учун керакли шароитларни яратиш, ўзаро тренинглар, тадқиқот ишларини ўтказиш, қўшма илмий ва стартап лойиҳаларини амалга ошириш, шунингдек, Ўш ва Андижон вилоятлари ўртасида фан ва инновация соҳасида ҳамкорликни фаоллаштиришга келишиб олинди. Уларнинг ижроси, шубҳасиз, фан соҳасида алоқаларимизни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Умуман олганда, истиқболда таълим ва илмий соҳалардаги шериклик олий таълим муассасаларияро ришталарни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутади, Қирғизистон ва Ўзбекистон ёшларини ҳар икки мамлакатда ўқишлари учун шароит яратади, ўқитувчилар ва талабалар, олимларимиз ўртасидаги ўзаро алмашинувларни кенгайтиради.

— Ўзбекистондан сармояларни жалб этиш, Қирғизистонни ва унинг имкониятларини оммалаштириш ҳам элчихона диққат марказида бўлса керак?..

— Сармояларни жалб этиш мақсадида элчихона томонидан ўзбекистонлик тадбиркорлар иштирокида турли бизнес форумлари, “B2B” ва “B2G” шаклидаги учрашувларни ўтказиш режалаштирилган. Ҳукуматлараро комиссиянинг бўлғуси 10 мажлиси доирасида Ишбилармонлар кенгашининг иккинчи йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўряпмиз. Элчихонанинг асосий вазифаси тадбиркорлар ва манфаатдор бизнес доиралари учун самарали амалий коммуникация платформасини яратишдир.

Савдо-иқтисодий ҳамкорликни ошириш бўйича халқ хўжалигининг барча йўналишида, жумладан, агросаноат мажмуаси, тўқимачилик, тоғ-кон, металлургия, фармацевтика саноати, транспорт, уй-жой қурилиши, савдо, энергетика ва туризмни ривожлантириш соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш орқали ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини 2 миллиард долларга етказиш ниятидамиз.

Хулоса ўрнида айтганда, Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Садир Жапаровнинг доимийлик касб этган мулоқотлари, ушбу учрашувларда эришилган келишувлар ўзаро дўстлик, яхши қўшничилик ва кўп қиррали Қирғизистон — Ўзбекистон ҳамкорлигини янада чуқурлаштириш ва кенгайтиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Абдували СОЙИБНАЗАРОВ суҳбатлашди.

ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК РИШТАЛАРИ ВА МАНФААТЛИ АЛОҚАЛАР

Ўзбек ва туркман халқлари азалдан бир дарёдан сув ичиб, тинч-тотув, аҳил-иноқ яшаб келган. Халқларимизни ягона тарих, муштарак маданият ва қадриятлар, ўхшаш тил ҳамда урф-одатлар бирлаштириб туради. Бу яқинлик мамлакатларимиз ўртасидаги мустаҳкам ҳамкорликка асос бўлиб хизмат қилаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Акс садо

Туркманистон ва Ўзбекистон тинчликсевар давлатлар, яхши қўшнилар сифатида ҳамиша бир-бирига нисбатан илиқ муносабатда бўлиб келади. Буни уларнинг халқаро майдонда ёки ўзаро алоқаларда ҳаммаслак ҳамда ҳамфикр эканликларида ҳам кўриш мумкин. Минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш ушбу ҳамкорликда алоҳида ўрин тутади. Зеро, икки давлат ҳам Марказий Осиёда тинчлик ва барқарор ривожланишнинг самарали механизмларини яратиш тарафдори. Уларнинг Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш бўйича яқдил фикрга эгалиги бунинг ёрқин далилидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов 14 июль куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келиши ана шу дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга қаратилгани билан муҳим аҳамият касб этди.

Учрашувда Ўзбекистон — Туркманистон ҳамкорлигининг истиқболлари муҳокама қилинди. Хусусан, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, ўзаро савдони кўпайтириш ҳамда саноат кооперацияси лойиҳаларини амалга ошириш, транспорт-транзит имкониятларидан фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Асосийси, Туркманистон Президентининг ташрифи икки халқ ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик ришталари ҳамда икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлашга йўналтирилган саъй-ҳаракатлар давом эканлигини кўрсатди.

— Ишончим комил, бугунги музокаралар кенг кўламли ҳамкорликни янада ривожлантиришда муҳим ўрин тутади, биродар мамлакатларимизнинг стратегик шериклигини янада мустаҳкамлайди ва сифат жиҳатидан янги даражага олиб чиқади, — дея таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Шу мақсадда ўрта муддатли Савдо-иқтисодий ҳамкорлик ва саноат кооперациясини ривожлантириш дастури қабул қилинди. Томонлар минтақа мамлакатларининг ноёб транзит салоҳиятидан самарали фойдаланиш учун қулай шароитлар яратиш, шу жумладан, юкларни ташиш учун ўзаро имтиёз ҳамда чегирмалар бериш каби масалалар юзасидан келишиб олди.

Президентлар сув-энергетика соҳасидаги шерикликка тўхталар экан, Сув хўжалиги масалалари бўйича ҳукуматлараро комиссия муваффақиятли фаолият олиб бораётганини эътироф этдилар. Айни чоғда бугун минтақада сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга хизмат қиладиган тарихий аҳамиятга эга Амударё бўйича битимнинг имзоланиши бу борадаги ишларни янада ривожлантиришда катта роль ўйнаши таъкидланди.

Шу ўринда айтиш жоиз, Ўзбекистон энергетика соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш, жумладан, Туркманистондан электр энергияси, газ ва нефть маҳсулотларини харид қилишдан манфаатдор. Туркманистон томони товар айирбошлашни диверсификациялаш ва ошириш, саноат кооперациясини ривожлантиришдан фойда кўради. Шу боис ҳам мазкур масалалар атрофлича таҳлилдан ўтказилди.

Умуман, Туркманистон Президентининг ушбу ташрифини ҳар икки мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик сари қўйилган янги қадам десак, айни ҳақиқат. Зеро, давлатларимиз ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш икки томон учун ҳам катта имкониятлар эшигини очиши, шубҳасиз.

Абдуғани САНГИНОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ЎЗБЕК — ТУРКМАН ХАЛҚЛАРИНИНГ ИСТИҚБОЛИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекларда ҳам, туркманларда ҳам "қўшнининг ҳақи" деган улуғ бир тушунча мавжуд. Бу — топган-тутганининг бир қисмини қўшнига улашиш, яқин муносабатда бўлиш, яхши-ёмон кунларда бир-бирини қўллаб-қувватлаш, дегани. Бинобарин, ўзбек ва туркман халқлари ўртасидаги дўстлик ҳамда биродарлик узоқ тарихга бориб тақалади. Алишер Навоий ва Махтумқули каби улуғ шоирлар мадҳ этган бу дўстлик ришталари бугун ҳам жуда мустаҳкам эканига шак-шубҳа йўқ.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедовнинг давлат ташрифи билан юртимизга келиши ана шу гўзал қадриятларимиз гултожи бўлмиш яқин қўшничилик анъаналарига янгича суръат ва сифат бахш этди. Учрашувда Ўзбекистон етакчиси Туркманистон Президентининг ташрифи халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстлик, яхши қўшничилик, ишонч ҳамда ўзаро қўллаб-қувватлашга асосланган биродарлик ришталари тарихида муҳим босқич эканини таъкидлаб, Туркманистон билан ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг ўзгармас устувор йўналиши эканини қайд этди.

Ташриф доирасида қатор истиқболли йўналишлар бўйича саноат кооперацияси лойиҳаларини амалга ошириш, товар айирбошлашни кўпайтириш, чегараолди савдо зонасини ташкил этиш, қўшма лойиҳа офисини очиш юзасидан қабул қилинган қарорлар музокараларнинг муҳим натижаси бўлди.

Автомобилсозлик, кимё, электротехника, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати ҳамда қишлоқ хўжалигида ўзаро манфаатли шерикликни кенгайтиришга келишиб олинди. Шу мақсадда ўрта муддатли Савдо-иқтисодий ҳамкорлик ва саноат кооперациясини ривожлантириш дастури қабул қилинди.

Шуни мамнуният билан эътироф этиш жоизки, ҳар икки давлат раҳбарлари кенг кўламли стратегик шерикликни ривожлантириш ҳамда кенгайтириш, уни сифат жиҳатидан янги мазмун билан бойитиш, дўст ва биродар мамлакатларимиз ҳамда халқларимиз тараққиёти ва равнақи йўлида аниқ натижаларга эришишга қатъий интилдилар ва бу ўзининг ижобий самараларини берди. Зотан, икки давлат ҳамда икки халқ ўртасидаги дўстлик ришталари янада мустаҳкамланди, янада янги суръат, янгича мазмун-моҳият касб этди. Энг муҳими, бу ҳамкорлик ва стратегик шериклик ўзбек — туркман халқларининг истиқболига хизмат қилиши билан эътиборга молик.

Дилбар УСМОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Жараён

Ҳуқуқий янгиланишлар жамоатчилик фикрлари асосида амалга оширилади

Аввал хабар берилганидек, сенаторлар бир неча кун давомида жойларда бўлиб, конституциявий ислоҳотлар ҳамда Олий Мажлис Сенатининг йигирма саккизинчи ялпи мажлисида кўрилган масалалар мазмун-моҳияти юзасидан тушунтириш ишлари олиб борди. Айни чоғда аҳоли мурожаатлари ўрганилиб, уларнинг ечимига алоҳида эътибор қаратилди.

Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси раиси Э. Гадоев Жондор туманидаги 2-касб-ҳунар мактабида ташкил этилган учрашувда "Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Конституциявий қонун лойиҳасига батафсил тўхталди. Хусусан, лойиҳага киритилаётган мулк дахлсизлиги ва иқтисодиёт тармоқлари фаолиятига доир нормалар моҳиятини теран очиб берди.

Шунингдек, сенатор парламент юқори палатасининг йигирма саккизинчи ялпи мажлисида кўриб чиқилган қонунлар, бюджет билан боғлиқ ҳисоботлар, парламент сўрови натижалари хусусида тўхталди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2021 йил якунлари бўйича ва 2022 йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботлари юзасидан батафсил ахборот берди.

Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор Қ. Турсунов Навоий вилоятининг Қизилтепа тумани ҳамда Зарафшон шаҳрида ташкил этилган бир қатор тадбирларда қатнашиб, "Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Конституциявий қонун лойиҳаси мазмун-моҳиятини батафсил тушунтирди.

Лойиҳанинг 37-моддасига тўхталаркан, унга кўра, ҳар ким муносиб меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қулай меҳнат шароитларида ишлаш, меҳнати учун ҳеч қандай камситилишларсиз ва белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш, ишсизликдан қонунда белгиланган тартибда ҳимояланиш ҳуқуқига эга эканлигини таъкидлади.

Қонун лойиҳаси билан ҳомиладорлиги ёки ёш боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш, ишдан бўшатиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланаётганлиги ҳам айтиб ўтилди. Яъни ҳар бир ишловчи аёл ҳомиладор бўлган тақдирда ва туғиш даврида ҳақ тўланадиган таътилга ҳамда янги туғилган чақалоқни парвариш қилиш учун таътилга ёки болани фарзандликка олиш учун таътилга чиқиш ҳуқуқига эга.

Сенатор ўз сўзида жазони суднинг ҳукмига кўра ўташ тартибидан бошқача тартибдаги мажбурий меҳнат ёки қонунда назарда тутилган бошқа ҳоллардаги мажбурий меҳнат тақиқланаётганига ҳам урғу берди.

Сенатнинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси Н. Умаров пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида бўлиб, Конституциявий қонун лойиҳасининг аҳамиятини тушунтиришга бағишланган учрашувда қатнашди.

Унда туман ҳокимлиги мутасаддилари, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгаши депутатлари, ёшлар, жамоатчилик вакиллари фаол иштирок этиб, юртимизда кечаётган ўзгаришлар юзасидан ўз фикрларини билдирди.

Сенатор Конституцияга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларга тўхталаркан, олиб борилаётган ислоҳотлар фуқароларимизнинг манфаатидан келиб чиққан ҳолда кенг жамоатчилик фикри ва қўллаб-қувватлови асосида амалга оширилишини алоҳида таъкидлади.

Тадбир давомида парламент юқори палатасининг йигирма саккизинчи ялпи мажлисида маъқулланган қонунлар ҳамда кўриб чиқилган масалалар, Сенат Кенгаши ва қўмиталари қарорлари ижросининг аҳволи ҳам таҳлилдан ўтказилди.

«Халқ сўзи».

Нуқтаи назар

ЮРТИМИЗ ҲАЁТИДА ТАРИХИЙ ВОҚЕА

Давлат ва жамият тирик организм кабидир. Ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, одамлар онгининг ривожланиши, инсон ҳамда жамият ўртасидаги муносабатларнинг янги босқичга кўтарилиши, давлатларнинг ислоҳотлар ўтказиши конституцияларга ўзгартишлар киритишни тақозо этади. Конституцияда давлат ва жамиятнинг асосий йўналишлари, унинг келгуси тараққиётининг қайси йўллар орқали амалга оширилиши белгилаб берилади.

Бугун конституциявий ривожланишнинг умумжаҳон тенденцияларига назар ташлайдиган бўлсак, кўплаб давлатларда мамлакат ва жамият тараққиётининг янги босқичида конституциявий ислоҳотлар олиб борилган. Зеро, ислоҳотларнинг сифати ва самараси кўп жиҳатдан Конституция асосида яратилган ҳуқуқий имкониятлар билан бевосита боғлиқ.

Мутахассислар маълумотларига қараганда, сўнгги 20 йил ичида 90 та мамлакат конституциявий ислоҳотлар ўтказган. Ҳатто 57 та давлат мутлақо янги Конституция қабул қилган. Ўзбекистонда эса кейинги йилларда ҳамма соҳалар қизғин янгиланмоқда. Энди аввалгидак, "Давлат — жамият — инсон" деб эмас, "Инсон — жамият — давлат" тамойили асосида иш юритилмоқда. Бу эса ўз-ўзидан конституциявий ислоҳотларни тақозо этади.

Бугун мамлакатимизда муҳим сиёсий жараёнлар кечмоқда. Бу ҳар биримиз учун аҳамиятли бўлиб, мамлакатимизнинг келажаги, халқимизнинг фаровонлигида катта роль ўйнайди. Жорий йилнинг 25 июнь кунидан бошлаб "Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Конституциявий қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилган эди. Таъкидлаш жоизки, бутун халқимиз якдиллик билан ушбу жараёнда фаол иштирок этмоқда. Ҳозирги вақтда Конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси бўйича жами 87 мингдан ортиқ таклифлар келиб тушди.

Жумладан, Конституциянинг асосий принциплари келтирилган биринчи бўлими бўйича фуқаролар томонидан 943 та таклиф берилган. Масалан, Сурхондарё вилоятида истиқомат қилувчи Я. Турдимов 13-модданинг учинчи ҳамда тўртинчи қисмларини чиқариб юбориш ёки содда ва тушунарли баён этиш кераклигини билдирган.

Фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари ёритилган иккинчи бўлим бўйича 2,5 мингдан зиёд таклифлар берилган. Масалан, Навоий вилоятида истиқомат қилувчи Ш. Тўхтаев 41-моддада таълим олиш жараёнида ота-оналарнинг мажбуриятларини белгилаш зарурлигини билдирган. Ёки Бухоро вилоятида яшовчи С. Сафаров томонидан қонун лойиҳасига ногиронлиги борлар учун алоҳида янги боб киритилишини керак, деган таклиф айтилган.

Жамият ва шахсга доир бўлган учинчи бўлим бўйича 598 та таклиф берилган. Масалан, Тошкент вилоятида истиқомат қилувчи З. Абдуллаев томонидан қонун лойиҳасига қонуний ажрим бўлмаган оилаларнинг алиментга доир талаблари судлар томонидан кўриб чиқилмаслиги юзасидан модда қўшиш таклиф этилган. Ва бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Умуман олганда, таклифлар келиши давом этмоқда. Бу аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онги тобора юксалиб, уларда фуқаролик позицияси мустаҳкамланиб бораётгани, юрт келажаги ҳамда Ватан тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшаётганидан далолатдир. Фуқаролар томонидан берилган фикр-мулоҳазаларнинг кўплиги эса уни амалиётда тўғридан-тўғри қўллаш имкониятини оширади ва демократик тараққиётимизнинг кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади.

Муҳаммад ВАЛИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ КАФОЛАТЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

Бугун муҳим сиёсий жараён — "Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Конституциявий қонун лойиҳаси юртимизнинг барча ҳудуди, жамиятнинг барча доирасида муҳокама этилаётган, аҳолининг фаоллиги ортиб бораётган тарихий бир даврда яшамоқдамиз.

Айни дамда умумхалқ муҳокамасида бўлган Конституциявий қонун лойиҳасида ижтимоий масалалар, жумладан, меҳнат муносабатларига оид қатор нормалар акс этаётгани эътиборга моликдир.

Масалан, 39-моддани олайлик. Ушбу моддада ҳар бир шахс қариганда, меҳнатга лаёқатини йўқотганда, ишсизликда, ногиронликда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эгалиги, давлат пенсияларини, нафақаларини ва ижтимоий ёрдамнинг бошқа турларини белгилаши мустаҳкамлаб қўйилмоқда.

Шу билан бирга, давлат ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини амалга ошириш учун зарур тенг шароитларни яратади, ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан ҳар қандай ажратиб қўйиш, ҳисобга олмаслик, четлатиш, чеклаш ёки ортиқча ён босиш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг объектлар ва хизматлардан фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратишдан бўйин товлаш тақиқланади, деб белгиланмоқда.

Албатта, қонун лойиҳасида ушбу нормаларнинг акс этиши айни муддао бўлиб, буни кўпчилик қўллаб-қувватлайди. Зеро, бу мамлакатимизнинг бир миллионга яқин аҳолисининг манфаатларини қамраб олади. Улар ҳам жамиятнинг тўлақонли аъзоси бўлиб, ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан ҳар қандай ажратиб қўйиш ҳолатига йўл қўймаслик талаб этилади. Уларни ҳисобга олмаслик, четлатиш, чеклаш ёки ортиқча ён босиш ҳам қонунан тақиқланади.

Яна бир муҳим жиҳати, ногиронлиги бўлган шахсларнинг объектлар ва хизматлардан фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратишдан бўйин товлаши мумкин эмас. Бу масалаларнинг барчаси шу кунга қадар Конституцияда бўлмаган ва илк марта тилга олинаётган меъёрлар саналади.

Тўғри, шу кунга қадар ҳам ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини амалга ошириш учун зарур шароитлар яратилган. Бундан буён эса ушбу чора-тадбирлар Конституция даражасида белгилаб қўйилмоқда. Қолаверса, алоҳида эътиборга муҳтож бўлган болалар учун таълим муассасаларида инклюзив таълим ташкил этилиши ҳам мустаҳкамланяпти.

Ушбу меъёрларнинг барчаси юртимизда инсон қадр-қиммати, айниқса, ногиронлиги бўлган шахслар масаласи доимий диққат-эътиборда эканидан далолат беради. Уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, тўсиқсиз муҳит яратиш, жамиятга интеграция қилиш борасида изчил чора-тадбирларни янада кучайтиришда бош омил бўлиб хизмат қилади. Янада аниқроқ айтганда, Бош қомусимизга киритилаётган янги меъёр билан ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя тизими сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқилади. Ва энг муҳими, бир фуқаронинг ҳуқуқи бошқасининг манфаатларига зид эмас, уларни камситмайди, жамиятда ҳамманинг тенглиги, ижтимоий адолат кафолатланишини таъминлайди.

Шоҳиста ТУРҒУНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

«Uzbekistan GTL» заводи

ЮҚОРИ СИФАТЛИ ДИЗЕЛЬ ЁНИЛҒИСИНИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА ЕТКАЗИБ БЕРИШНИ БОШЛАДИ

1 Мазкур тарихий воқеа мамлакатимизнинг замонавий нефть-кимё ва нефть-газни қайта ишлаш саноати ривожида янги технологик босқич ҳисобланади. 2022 йилнинг 29 июнь санаси Ўзбекистонда илк бор синтетик суюқ ёнилғи ишлаб чиқариш йўлга қўйилган тарихий кун сифатида солномага киради.

Юртимизда ва умуман, минтақамизда нефть-газ саноати соҳасидаги энг йирик корхона ҳисобланган "Uzbekistan GTL" заводида биринчи маҳсулот олинганлиги билан барча юртдошларимизни қизғин муборакбод этаман.

Бугунги кунда ишга туширириш ишлари, шу жумладан, 11 мингга яқин ускуна ва асосий ишлаб чиқариш қурилмаларининг синхрон ишлашини таъминлаш, шунингдек, уларни тўлиқ назорат қилиш ҳамда бошқариш "Uzbekistan GTL" заводининг маҳаллий муҳандислари ва ёш мутахассислари томонидан мустақил равишда, хорижий мутахассисларнинг иштирокисиз амалга оширилаётгани ҳар бир ўзбекистонликнинг кўксида ғурур туйғуларини уйғотади.

Эришилган келишувларга кўра 5 минг тонна миқдорида ишлаб чиқарилган синтетик дизель ёнилғисининг биринчи партияси Навоий кон-металлургия комбинатига юборилди. Қолаверса, заводимизда йилига 3,6 млрд. метр куб табиий газ қайта ишланиб, 1,5 млн. тонна тайёр суюқ маҳсулотлар — 307 минг тонна авиакеросин, 724 минг тонна дизель ёнилғиси, 437 минг тонна нафта, 53 минг тонна суюлтирилган газ тайёрланади.

Янги ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган синтетик дизель ёнилғисига "Нефть база" МЧЖ таъсисчилари, "QIZILQUMSEMENT" АЖ, кластерлар ва бошқа йирик истеъмолчилар томонидан қизиқиш билдирилаётгани туфайли бир қатор йирик корхоналар раҳбарларини "Uzbekistan GTL" заводига таклиф этдик. Улар "Uzbekistan GTL" фаолияти, заводнинг инфратузилмаси ҳамда дизель ёнилғиси тўғрисидаги маълумотлар билан таништирилди. Шунингдек, маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичлари ҳамда уларни сақлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш жараёнлари ҳақида атрофлича ахборот берилди. Келгусида республика истеъмолчилари эҳтиёжининг 50 фоизигача бўлган улуши "Uzbekistan GTL" заводида ишлаб чиқариладиган юқори сифатли синтетик дизель ёнилғиси билан қопланиши таъкидлаб ўтилди.

Алоҳида айтиш жоизки, жорий йилнинг 1 июлида синтетик дизель ёнилғисига "SGS" компанияси (Швейцария) томонидан Европанинг "EN15940" синтетик парафинли дизель ёнилғиси халқаро стандартига ва "O'zDSt EN 15940:2022 Евро-6" синтетик дизель ёнилғиси давлат стандартига мувофиқлигини тасдиқловчи ижобий хулосалар олинган.

Эндиликда биз маҳсулотни республика истеъмолчиларига бир маромда етказиб беришда ҳар бир ишлаб чиқариш объекти томонидан амалга оширилиши лозим бўлган тадбирларни белгилаб олдик. Хусусан, жорий йилнинг июль ойи учун биржа савдоларига қўйиладиган дизель ёнилғиси ҳажмлари истеъмолчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Шу ойда жами 13,2 минг тонна маҳсулот биржа савдоларига жойлаштирилиши ва маҳсулотнинг ҳозирги кундаги бошланғич нархи нисбатан арзонлиги харидорлар томонидан эътироф этилди.

Дастлабки 10 тонна синтетик дизель ёнилғиси Навоий кон-металлургия комбинатига жўнатилган. Яқин вақт ичида НКМК эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржаси савдо платформалари орқали яна 5 минг тонна маҳсулот етказиб бериш кўзда тутилган.

GTL дизель ёнилғиси юқори техник кўрсаткичларга эга ва таркибида олтингугурт миқдори деярли нолга тенг бўлган, атмосферага жуда кам миқдорда ифлослантирувчи моддаларни чиқарувчи маҳсулотдир. Уни дизель двигателларида соф ҳолда ёки аралаштириш учун хомашё сифатида қўллаш мумкин. Бу янги маҳсулот анъанавий дизель ёнилғисига қараганда, ифлослантирувчи моддаларни 70 фоизгача кам чиқаради, унинг тоза ва тўлиқ ёниши эса двигателда чўкиндиларни камайтиришга ёрдам беради. Бу эса, ўз навбатида, техниканинг ишлаш муддатини узайтиради ва унга техник хизмат кўрсатиш харажатларини сезиларли даражада камайтиради.

Яна бир муҳим фикр шундан иборатки, "премиум-класс" тоифасидаги синтетик дизель ёнилғиси Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржасининг савдо платформалари орқали сотилади. Заводимизнинг қуввати эса йилига 1 миллион тоннагача ёнилғи ишлаб чиқариш имконини беради. Зотан, GTL дизель ёнилғиси "Euro-6" (EN15940) Европа экологик стандарти ва "O'zDSt EN 15940:2022" миллий стандартининг юқори талабларига тўлиқ жавоб беради. Бу эса экологик тоза келажак маҳсулоти сифатида ўзини намоён этмоқда.

Фахриддин АБДУРАСУЛОВ,
«Uzbekistan GTL» заводи бош директори.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2022 йил 19 июль

ШҲТ янги руҳ билан бойиб бормоқда

1 Ўзбекистон сўнгги пайтларда ШҲТнинг улкан салоҳиятини транспорт, ўзаро боғлиқлик ва логистика, инновацион ва рақамли ривожланиш, маданий ва халқ дипломатияси каби муҳим соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантиришга йўналтириш зарурлигини очиқ айтмоқда. Ўзбекистоннинг ушбу ташкилотга раислиги ўзбек дипломатияси зиммасига катта масъулият юклайдиган жиддий сиёсий жараён ҳисобланади. Шу билан бирга, раислик Ўзбекистонга нафақат ташкилот доирасида ўсиш стратегиясини давом эттириш, балки уни аниқ натижалар берадиган янги ва муҳим қирралар билан бойитиш имконини бераётганини инкор этиб бўлмайди.

Айтиш керакки, ШҲТ моҳияти ва аҳамиятини очиб берадиган иккита асосий жиҳат бор. Биринчиси, бу — хавфсизлик. Минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш ушбу тузилмани ташкил этиш учун дастлабки туртки бўлган. Мазкур йўналишда ШҲТ доирасида ҳамкорлик қилиш чегаралар хавфсизлиги соҳасидаги ўзаро саъй-ҳаракатлардан бошланади, терроризм, экстремизм, сепаратчи кучлар ва гиёҳвандлик бўйича жиноятчиликка қарши курашга қаратилган ҳамда хавфсизликнинг турли ноанъанавий таҳдидларига нисбатан ҳам қўлланилади.

Сўнгги 20 йил мобайнида минтақада тинчлик ва барқарорлик сақланиб келаётгани, хавфсизлик омилидан ажралмас ҳисобланган тараққиётнинг давом этаётганлигида ШҲТнинг салмоқли ҳиссаси бор. Айтиш мумкинки, ташкилот жаҳонга ижобий барқарорлик қувватини бера олди. Евроосиёда ҳар йили ушлаб қолинадиган гиёҳвандлик воситаларининг 40 фоизи ШҲТ билан ҳамкорликда ноқонуний айланмадан чиқариб олинаётгани ҳам аниқ-равшан муваффақиятлар қаторига киради.

Иккинчи энг муҳим жиҳат, бу — “Шанхай руҳи”дир. “ШҲТ оиласи”га умумий умидлари, манфаатлари ва интилишларини бирлаштирувчи турли тараққиёт моделига эга бўлган мамлакатлар кирган. ШҲТ дўстлари давраси орта бориши билан бирга унинг қамрови ва таъсир кўлами ўсмоқда, хавфсизлик соҳасидан иқтисодиёт, инвестициялар, транспорт жиҳатидан ўзаро боғлиқлик, маданият ва санъат, тиббиёт ва спорт, ёшлар ўртасидаги алмашинувларгача ҳамкорлик соҳалари кенгаймоқда. Бугунги кунда ШҲТ дунёдаги халқаро ташкилотлар ичида энг машҳур тузилмалардан бирига айланди.

Бугун дунёда вазият жуда тез ўзгармоқда, халқаро майдонда беқарорлик ва ноаниқлик ҳолати сезиларли даражада ортди. Инсоният хавфсизлик, иқтисодиёт ва молия, соғлиқни сақлаш ва бошқа муҳим соҳалардаги қатор жиддий муаммоларга дуч келмоқда. Ана шу муаммоларни ҳал этиш учун халқаро ҳамжамият бирлашмоғи зарур, давлатлар геосиёсий зиддиятга киришмасдан, бир томонламалик ва протекционизм иллатларини намоён қилмаган ҳолда, ҳамкорликда иш олиб бориши даркор. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти бутун инсоният учун умумий хавфхатар ва таҳдидларга қарши курашда конструктив роль ўйнашга интилиб келган ва шундай бўлиб қолади. У ҳарбий иттифоқ эмас, унинг “ген”ларида конфронтация элементлари йўқ.

Ташкилот бошқа давлатлар ва минтақаларга қўшилмаслик, уларга қарши ҳаракат қилмаслик тамойилларига риоя этади, халқаро ва минтақавий муаммоларни тинч сиёсий-дипломатик музокаралар йўли билан ҳал қилиш тарафдоридир. ШҲТга аъзо давлатлар ўзаро ишонч, дўстлик, яхши қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлаш, минтақадаги тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш, мустаҳкамлаш, ташкилотда иштирок этаётган мамлакатларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий тараққиётига ҳамкорлик қилиш йўли билан кўмаклашишга интилади. Мана шу тамойиллар “Шанхай руҳи” негизини ташкил этади.

Бугунги кунда ШҲТ шериклик қилмаган ёки алмашувларни амалга оширмаган соҳани топиш мушкул. Ташкилот доирасидаги ўзаро ҳаракатлар сиёсат, иқтисодиёт, инвестициялар, парламентлараро ва маданий-гуманитар алоқалар, экология, таълим ва бошқа йўналишларни қамраб олган. Бунда уларнинг ҳаммаси ташкилотга аъзо давлатлар учун муҳим амалий аҳамиятга эгадир. Кўплаб ноанъанавий соҳалар, масалан, “яшил энергетика”, инновациялар ва рақамли иқтисодиёт каби йўналишларда ҳамкорлик қилиш тез фурсатларда давлатлар учун умумий манфаатларни излаб топишда ШҲТ янги истиқболларини очиб берувчи “йўлчи юлдуз”га айланиб улгурди.

> **Сўнгги беш йил мобайнида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ШҲТ саммитларида 50 га яқин ўта муҳим ташаббусларни илгари сурди. Улар, хусусан, ШҲТ халқаро алоқаларини янада кенгайтириш ва унинг дунё миқёсидаги обрў-эътиборини мустаҳкамлаш, минтақавий хавфсизликни таъминлаш, савдо-иқтисодий, саноат кооперацияси, транспорт-коммуникация соҳасидаги ўзаро боғлиқликни чуқурлаштириш, камбағалликни қисқартириш ва озиқ-овқат хавфсизлиги йўналишидаги ҳамкорликни кенгайтириш каби долзарб масалаларни қамраб олган.**

COVID-19 пандемияси бошланган дастлабки кунларданоқ ШҲТ минтақа давлатларига ҳамжиҳатликда ушбу таҳдиддан қутулишда ёрдам бериб, пандемиянинг салбий ижтимоий-иқтисодий оқибатларини бартараф қилиш бўйича аъзо давлатларнинг 2021 — 2023 йилларга мўлжалланган Ҳамкорлик чора-тадбирлари режасини қабул қилди. Ташкилот, қолаверса, савдо-иқтисодий алоқалар учун мустаҳкам пойдевор яратди. Транспорт, энергетика, молия, инвестициялар, қишлоқ хўжалиги, ахборот технологиялари, инновациялар ва барқарор ривожланиш каби ўзаро манфаатларни акс эттирувчи соҳаларда аниқ лойиҳаларни амалга ошириш кейинги қадам бўлади.

Ўзбекистон ШҲТнинг амалдаги раиси сифатида қатор ташаббусларни илгари сурмоқда. Биринчи навбатда, Ўзбекистон ШҲТ таъсисчи-давлати сифатида кўп томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашга катта эътибор қаратаётганини қайд этиш

жоиз. Шубҳасиз, ШҲТга аъзо давлатларнинг очиқ ва конструктив мулоқоти учун самарали майдонни ўзида акс эттириб, минтақавий хавфсизликни таъминлаш, ўзаро манфаатли иқтисодий алоқалар, ижтимоий ва маданий-гуманитар соҳаларда шерикликни рағбатлантиришда ҳамкорликнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилади.

Кузатувчилар фикрича, бугунги кунда Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг энг фаол иштирокчиларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон нафақат ШҲТ доирасида турли соҳаларни ривожлантиришга кўмаклашмоқда, балки бошқа аъзо давлатлар томонидан илгари суриладиган, умумий манфаатларга жавоб берадиган долзарб таклифларни амалга оширишда амалий ёрдам бермоқда. Бошқача айтганда, Тошкент ШҲТнинг пойдевори ҳисобланган “Шанхай руҳи”га мувофиқ равишда бирдамлик тамойиллари бажарилишига фаол кўмак бериб келмоқда.

“Бизнинг ҳар биримиз кучли бўлсаккина, ШҲТ кучли бўлади”. Ўзбекистон Президентининг 2020 йили ШҲТ саммитида айтган бу сўзлари мамлакатнинг ташкилот доирасидаги ишларга конструктив ёндашувининг мазмун-моҳиятини тўлиқ очиб берган. Сўнгги беш йил мобайнида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ШҲТ саммитларида 50 га яқин ўта муҳим ташаббусларни илгари сурди. Улар, хусусан, ШҲТ халқаро алоқаларини янада кенгайтириш ва унинг дунё миқёсидаги обрў-эътиборини мустаҳкамлаш, минтақавий хавфсизликни таъминлаш, савдо-иқтисодий, саноат кооперацияси, транспорт-коммуникация соҳасидаги ўзаро боғлиқликни чуқурлаштириш, камбағалликни қисқартириш ва озиқ-овқат хавфсизлиги йўналишидаги ҳамкорликни кенгайтириш каби долзарб масалаларни қамраб олган.

Эътиборли жиҳати шуки, бу ташаббусларнинг барчаси кейинчалик аниқ “йўл хариталари”, меъёрий-ҳуқуқий, дастурий ва концептуал ҳужжатларда ўз ифодасини топмоқда. Ўзбекистон томонидан илгари сурилган, минтақани барқарор ривожлантиришга қаратилган таклифлар ШҲТнинг асосий вазифаларига тўлиқ мос келади. Айнан шунинг учун улар ташкилотга аъзо давлатлар томонидан қизғин қўллаб-қувватланмоқда. Ўзбекистон ШҲТда янги платформаларни яратиш бўйича ташаббускорга айланди. Ташкилотнинг Ўзбекистондаги Халқ дипломатияси маркази, Темир йўл маъмуриятлари раҳбарларининг учрашуви, Самарқанд шаҳридаги “Ипак йўли” туризм ва маданий мерос халқаро университетини ташкил этиш шулар жумласидандир.

Ўзбекистоннинг транспорт соҳасидаги ўзаро боғлиқлик ва логистика, инновацион ва рақамли тараққиёт, маданий ва “халқ дипломатияси” каби муҳим йўналишлардаги ҳамкорликни ривожлантиришда ШҲТнинг улкан салоҳиятига мос ёндашувлари алоҳида эътиборга молик. 2021 йилда бўлиб ўтган саммитда Ўзбекистон Президенти мамлакатнинг ШҲТдаги раислиги даврида қатор янги ҳуқуқий, концептуал ва дастурий ҳужжатлар ишлаб чиқилишини маълум қилди. Хусусан, ташкилот доирасида кўп томонлама шерикликни янада кенгайтириш мақсадида ҳозирги вақтда ШҲТга аъзо давлатларнинг узоқ муддатли яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани амалга ошириш бўйича 2023 — 2027 йилларга мўлжалланган комплекс дастур, шунингдек, минтақа ичида савдони ривожлантириш юзасидан биргаликдаги ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилмоқда.

ШҲТнинг транспорт соҳасидаги ўзаро боғлиқлик концепциясини ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштириш бўйича жараён якунланмоқда. ШҲТ ҳудудида инфратузилмавий ривожланиш дастури, шунингдек, юкумли касалликларнинг олдини олиш, телетиббиёт, қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланиш, музей иши ва шу каби соҳаларда ҳамкорлик қилиш бўйича қатор дастур ва келишувлар қабул қилиниши режалаштирилган. Улар Ўзбекистоннинг ШҲТ тартибини янгилаш, унинг фаолиятини янги таҳдидлар ва ўзгараётган вазиятларга мувофиқлаштиришга муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

Ўзбекистоннинг раислиги даврида барча соҳадаги ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ кенг миқёсли масалаларни ўрганиш учун турли даражадаги 100 дан ортиқ тадбирлар ўтказиш кўзда тутилган. ШҲТга аъзо давлатлар томонидан уларнинг тахминан ярми муваффақиятли ўтказилди. Ўзбекистоннинг истиқболли ва долзарб масалалар бўйича аъзо давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳаракатни кенгайтиришга қаратилган иккита муҳим таклифи амалга оширилди.

2021 йилнинг ноябрь ойида илк бор ташкилот доирасида Ўзбекистон раислиги остида ахборот коммуникациялари бўйича, жорий йилнинг январь ойида камбағалликни қисқартиришга қаратилган вазирликлар даражасидаги учрашувлар ўтказилди. Апрель-май ойларида Тошкентда илм-фан ва техника, транспорт вазирлари, гиёҳвандликка қарши кураш муассасалари раҳбарларининг учрашувлари, шунингдек, Халқ дипломатияси форуми уюштирилди. Ўзбекистоннинг савдо-иқтисодий йўналишдаги долзарб ташаббусларидан бири ШҲТга аъзо давлатлар ва хорижлик инвесторлар билан ҳамкорлик лойиҳаларини амалга ошириш имконини берувчи “Ўзбекистон — ШҲТ” саноат зонасининг ташкил этилиши бўлди. Бу йил ўтказилиши кўзда тутилган йирик тадбирлар — Иқтисодиёт форуми, Саноат янгиликлари ҳафталиги, ШҲТ ҳудудлари кичик ва ўрта бизнес форуми, Саноат кооперациясини ривожлантириш бўйича форум, Туристик форум ва ШҲТ ҳудудлари раҳбарлари форуми ана шу мақсадга хизмат қилади. Умуман, таъкидлаш керакки, Ўзбекистон ШҲТда раислик қилишдек фахрли вазифани муваффақиятли ва самарали тарзда амалга оширмоқда.

Шу йилнинг 15-16 сентябрь кунлари Самарқандда бўлиб ўтадиган ШҲТ саммити ҳам муҳим аҳамиятга эга. Саммитда Ўзбекистоннинг ташкилотдаги раислигининг асосий якунлари муҳокама қилинади. Самарқанд саммити ШҲТнинг халқаро нуфузини янада мустаҳкамлаш ва ташкилот доирасидаги ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим тарихий босқич бўлиши, шубҳасиз. Бу тадбирнинг Ўзбекистонда олиб борилаётган фаол ташқи ва ички сиёсати фонида ўтказилишининг ҳам алоҳида маъноси бор, у кейинги йилларда мамлакатда амалга оширилаётган комплекс ислоҳотларнинг юқори самарадорлигини ёрқин акс эттиради. Режага кўра, саммитгача ШҲТ доирасида хавфсизлик, иқтисодиёт, энергетика, транспорт, ахборот технологиялари, маданият, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган салмоқли ҳужжатлар пакети тасдиқланади.

Албатта, кутилаётган саммитнинг асосий масалаларидан бири ШҲТ таркибини янада кенгайтириш билан боғлиқ бўлади. Давлат раҳбарлари кенгаши йиғилишида Эрон Ислом Республикасининг ШҲТга аъзо давлат мақомини олиш мақсадидаги мажбуриятлари тўғрисидаги меморандумнинг имзоланиши кўзда тутилган. Бу Эронни ташкилотга тўла ҳуқуқли аъзо сифатида қабул қилиш жараёнини бошлаш тўғрисида ўтган йили тасдиқланган қарорни амалга оширишда муҳим босқич бўлади.

Бундан ташқари, ШҲТнинг кузатувчи ва мулоқот бўйича шерик давлатлар таркибларини кенгайтириш юзасидан қарорлар қабул қилиш мўлжалланган. Шунингдек, саммит майдонидан ШҲТ ва қатор халқаро ҳамда минтақавий ташкилотлар билан шериклик муносабатларини йўлга қўйиш тўғрисидаги меморандумларни имзолаш учун фойдаланиш кўзда тутиляпти.

Бугунги кунда тез ўзгараётган халқаро вазият шароитида Самарқанд саммити алоҳида сиёсий аҳамият касб этади. Барча давлатларнинг кенг кўламдаги халқаро ҳамкорлигининг аҳамияти ошиб бормоқда. Бу алоқалар пандемия билан курашиш бўладими, барча манфаатдор томонларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш орқали глобал муаммоларга ечим топишда натижага эришиш бўладими, барча жабҳани қамраб олиши керак. “Шанхай руҳи” умумий мақсадларга эришиш ва умумий манфаатлар учун ШҲТнинг барча давлатларини бирлаштирувчи янада катта куч бўлади.

Ўзбекистоннинг ушбу ташкилотга раислиги ўзбек дипломатияси зиммасига катта масъулият юклайдиган жиддий сиёсий жараён ҳисобланади. Шу билан бирга, раислик Ўзбекистонга нафақат ташкилот доирасида ўсиш стратегиясини давом эттириш, балки уни аниқ натижалар берадиган янги ва муҳим қирралар билан бойитиш имконини бермоқда.

Ташкилот ўз ҳарбий ва сиёсий салоҳияти, молиявий-иқтисодий қудрати ва ижтимоий-маданий анъаналари билан бир-биридан тубдан фарқ қиладиган давлатларни барқарор ҳамда кучли бирлаштириши нуқтаи назаридан ноёб тузилма намунаси эканини намоён этди. Шу билан бирга, ташкилот ўз қобиғига ўралиш томон эмас, балки очиқлик сари интилаётгани, бошқа мамлакатларга ҳам БМТ Низомига, умуман, халқаро ҳуқуққа зид бўлмаган ўз тамойиллари ва қадриятлари асосидаги худди шундай очиқлик тизимини таклиф этгани ҳолда ривожланаётгани дунёда унга бўлган ишончнинг ошиши кафолатидир.

Муҳиддин ПЎЛАТОВ,
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

Муносабат

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН...

Давлатимиз раҳбари Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувида “Инсон қадри учун” ғоясини ҳамда ҳозирги ислоҳотлар бош тамойили бўлган “Инсон — жамият — давлат” деган ёндашувни Асосий Қонунимиз мазмунига чуқур сингдириб, амалий ҳаётда бош қадриятга айлантириш зарурлигини яна бир бор таъкидлади.

Албатта, қайд этилган ушбу эзгу ёндашувни, пухта ишланган ҳуқуқий нормалар орқали Конституциямизда акс эттиришни даврнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Хусусан, Конституциямизнинг 37-моддасига меҳнат ҳуқуқига доир бир қанча янги нормалар қўшилаётгани ҳам юқоридаги ғоянинг ҳаётимиздаги ёрқин ифодасидир.

Бундан ташқари, Асосий Қонунимизга “Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади” деган, жумладан, кейинги мажбурий меҳнатдан ва болалар меҳнатининг энг ёмон шаклларидан фойдаланиш тақиқланади ҳамда бу қонунга кўра жавобгарликка сабаб бўлади, деган норманинг киритилишини қўллаб-қувватлайман.

Давлатимиз раҳбари учрашувда Асосий Қонунимизда ҳар бир шахснинг қулай меҳнат шароитида ишлаш, меҳнати учун муносиб ҳақ олиш ҳуқуқини мустаҳкамлаш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори инсоннинг ўзи ва оиласи ҳаёт кечириши учун етарли миқдорда бўлишини белгилашни таклиф этди. Бу ғоятда ҳаётий ҳамда ўринли таклиф.

Меҳнат ҳуқуқига доир киритилаётган барча норма мамлакатимизда инсон ҳуқуқларининг мустаҳкам асоси ва амалдаги тизимнинг ёрқин самарасидир.

Янги Ўзбекистон — янги тараққиёт, ривожланиш сари юз бурди. Юртимизда янгича руҳ ва ишчанлик кайфияти билан олиб борилаётган ислоҳотлар изчиллиги бутун мамлакатни, халқни янги марралар сари элтиши, шубҳасиз. Бугун ҳар бир соҳа ҳамда йўналишда катта ва долзарб мақсадлар белгилаб олиниб, юқори поғоналар сари олға қадам ташланаётир.

Ҳар бир инсон ўз мамлакатида тинчосойишта, хотиржам ва тўкис ҳаёт кечиришни истайди. У қачон хотиржам ҳамда фаровон яшайди? Фуқаро сифатида ҳуқуқ ва манфаатлари тўла таъминланса, инсон сифатида қадр-қимматли бўлса, ўшандагина ҳаловатда умргузаронлик қилади. Бемалол, бехавотир ишлашга, ҳаётини яхшилашга интилади.

Конституциявий ислоҳотларнинг муҳим мақсадларидан бири ҳам инсоннинг муносиб ҳаёт шароитларига, ишсизликдан ҳимояланишга бўлган ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, пировардида аҳолини фаровонлик йўлига олиб чиқишдан иборатдир.

Конституциявий кафолат бўлса, ушбу ишлар тизимли ва мунтазам амалга оширилади, ортга қайтмайдиган жараён бўлиб мустаҳкамланади.

Азиза ИРМАТОВА,
ТДИУ доценти, иқтисодиёт фанлари доктори.

МАҲАЛЛАДА «САЛОМАТЛИК МАКТАБИ»

Қарши шаҳридаги “Хонтепа” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ташкил этилган “Саломатлик мактаби”да аҳоли ўртасидаги юрак-қон томир ва эндокрин касалликларининг олдини олиш ҳамда тўғри овқатланиш орқали саломатликни муҳофаза қилиш бўйича ўқув-амалий машғулотлар олиб борилмоқда.

Гамхўрлик

— Саломатлик машғулотларига маҳалланинг 2 минг нафарга яқин, 18 — 20 дан 65 — 70 ёшгача бўлган фуқаролари қатнашаётир, — дейди Ўзбекистон “Меҳр-шафқат ва саломатлик” жамоат фондининг Қашқадарё вилояти ҳудудий муассасаси раҳбари Қаноат Азизов. — Муассасамиз Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағи ҳисобидан мазкур маҳаллада аҳоли орасида соғлом турмушни қарор топтириш бўйича қатор ишларни амалга ошириб келмоқда. Хусусан, “Эъзозли аёллар” гуруҳи ташкил қилинди. Гуруҳга жалб этилган аёллар билан тўғри овқатланиш ва жисмоний фаоллик асослари, кун тартибини ташкиллаштириш, кексаларда овқатланиш меъёрлари, шахсий ва хонадон гигиенаси қоидалари каби мавзуларда давра суҳбатлари, семинарлар ўтказилди.

Эътиборлиси, грант лойиҳаси доирасида маҳаллада душанба — стрессга қарши кураш, сешанба — туз ва шакарни чеклаш, чоршанба — тамакига қарши курашиш, пайшанба — соғлом овқатланиш, жума — пиёда юриш ва шанба — саломатлик куни сифатида номланиб, кун мавзусига мос тарзда турли мусобақалар, гимнастика машқлари, “Соғлом ҳаёт учун 5 000 қадам” сингари тадбирлар ўтказиляпти. Айни чоғда аҳоли ўртасида инфаркт, инсульт, қандли диабет, гипертония каби касалликларнинг олдини олиш мақсадида буклет ҳамда тарқатма материаллар тақдим этилмоқда.

Фахриддин БОЗОРОВ
(«Халқ сўзи»).

ЭЪЛОН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ҲУЗУРИДАГИ МАЖБУРИЙ ИЖРО БЮРОСИНИНГ «ЭЛЕКТРОН ОНЛАЙН-АУКЦИОНЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАРКАЗИ» ДУК

онлайн-аукцион савдоларига таклиф қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Республика инкассация хизмати» давлат унитар корхонаси билан 2019 йил 21 октябрда тузилган 246/2019-12-сонли шартномага асосан, https://www.e-auksion.uz электрон манзилидаги электрон савдо майдончасида 2022 йил 16 август куни ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига «Республика инкассация хизмати» ДУК Тошкент шаҳар бошқармасининг қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилган:

Т/Р	Автотранспорт русуми	Ишлаб чиқарилган йили	Давлат рақами	Лот рақами
1	Captiva-2 (3.0) LTZ A/T	2015	01 103 QDA	2417024
2	Captiva-2 (3.0) LTZ A/T	2015	01 105 QDA	2417025
3	Captiva-2 (3.0) LTZ A/T	2015	01 114 QDA	2417026
4	Captiva-2 (3.0) LTZ A/T	2015	01 115 QDA	2417027
5	Captiva-2 (3.0) LTZ A/T	2015	01 116 QDA	2417028
6	Captiva-2 (3.0) LTZ A/T	2015	01 119 QDA	2417029
7	Captiva-2 (3.0) LTZ A/T	2015	01 122 QDA	2416947
8	Captiva-2 (3.0) LTZ A/T	2015	01 125 QDA	2416948
9	Captiva-2 (3.0) LTZ A/T	2015	01 129 QDA	2416949
10	Captiva-2 (3.0) LTZ A/T	2015	01 133 QDA	2416950
11	Captiva-2 (3.0) LTZ A/T	2015	01 135 QDA	2416951
12	Captiva-2 (3.0) LTZ A/T	2015	01 136 QDA	2416952
13	Captiva-2 (3.0) LTZ A/T	2015	01 138 QDA	2416934
14	Captiva-2 (3.0) LTZ A/T	2015	01 140 QDA	2416935
15	Captiva-2 (3.0) LTZ A/T	2015	01 141 QDA	2416936
16	Captiva-2 (3.0) LTZ A/T	2015	01 144 QDA	2416937
17	Captiva-2 (3.0) LTZ A/T	2015	01 146 QDA	2416942
18	Captiva-2 (3.0) LTZ A/T	2015	01 147 QDA	2416938
19	Captiva-2 (3.0) LTZ A/T	2015	01 150 QDA	2416943
20	Captiva-2 (3.0) LTZ A/T	2015	01 153 QDA	2416944
21	Captiva-2 (3.0) LTZ A/T	2015	01 158 QDA	2416914
22	Captiva-2 (3.0) LTZ A/T	2015	01 160 QDA	2416915
23	Orlando LS	2015	01 163 QDA	2416916
24	Orlando LS	2015	01 166 QDA	2416917
25	Orlando LS	2015	01 177 QDA	2416918
26	Orlando LS	2015	01 178 QDA	2416919
27	Orlando LS	2015	01 185 QDA	2416920
28	Orlando LS	2015	01 186 QDA	2416921
29	Orlando LS	2015	01 187 QDA	2416922
30	Orlando LS	2015	01 188 QDA	2416923
31	Orlando LS	2015	01 189 QDA	2416924
32	Orlando LS	2015	01 192 QDA	2416925
33	Orlando LS	2015	01 195 QDA	2416926
34	Orlando LS	2015	01 197 QDA	2416927
35	Orlando LT	2015	01 216 QDA	2416928
36	Orlando LT	2015	01 948 CEA	2416929
37	УАЗ 3163-105	2016	01 753 OEA	2416930
38	УАЗ 3163-105	2016	01 902 LEA	2416931
39	УАЗ 3163-175	2017	01 943 BFA	2416932
40	NEXIA DOHC	2016	01 647 YEA	2416933
41	Volvo S-80	1999	01 112 QDA	2416939
42	ГАЗ-2705-34	2008	01 765 ZAA	2416940
43	Газель -2705-14	2008	01 768 ZAA	2416941

Автотранспортлар сақланаётган манзил:
Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Ҳасанбой мавзеси, Тикланиш 19-“А” уйда жойлашган автохўжалик ҳудуди.

Талабгорлар диққатига! Аукцион савдоларида иштирок этиш «E-ijro auksion» ягона электрон савдо майдончаси ахборот тизимида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиш йўли билан амалга оширилади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 748. 24 563 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.35 Топширилди — 23.55 1 2 3 4 5 6